

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус профессионал таълим йуналишлари бўлими ағда вақтдаги ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2021 йил 18 августдаги 3 - сонли йиғинида маъқулланган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356 - сонли буйруқи билан тасдиқланган.

**70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари)
магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Маъқул Малака талаблари "Олий таълим давлати стандартлари ва қоидалари", "Олий таълим йуналишлари классификатори", Ўзбекистон Республикаси мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий мусодир қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талаб ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегадиллиқда.

ЎЗР ОУМТВ
Буйруқ № 356
"18" 08 2021 йил

Тошкент

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил “17” августдаги 3- сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил “18” августдаги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | бет |
|---|-----|
| 1. 70230101 - <i>Лингвистика (роман-герман тиллари)</i> магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи..... | 4 |
| 1.1 Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1 70230101 - <i>Лингвистика (роман-герман тиллари)</i> мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши | 4 |
| 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари | 4 |
| 1.2 70230101 - <i>Лингвистика (роман-герман тиллари)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи | 4 |
| 1.2.1. 70230101 - <i>Лингвистика (роман-герман тиллари)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари | 4 |
| 1.2.2. 70230101 - <i>Лингвистика (роман-герман тиллари)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари | 5 |
| 1.2.3. 70230101 - <i>Лингвистика (роман-герман тиллари)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари | 5 |
| 1.2.4. 70230101 - <i>Лингвистика (роман-герман тиллари)</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари..... | 5 |
| 2. 70230101 - <i>Лингвистика (роман-герман тиллари)</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 7 |
| 2.1. Умумий компетенциялар..... | 7 |
| 2.2. Касбий компетенциялар..... | 8 |
| Библиографик маълумотлар..... | 10 |
| Келишув варағи | 11 |

1. 70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) магистратура мутахассислиги** бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар бунортмачилари, иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) – “Тиллар” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, у узлуксиз таълим тизимининг давлат ва нодавлат ташкилотларида ўрганилган хорижий тил ва адабиётини ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, маҳаллий ва халқаро ташкилотларда таржимонлик, хорижий тилда материаллар тайёрлаш ва уларни таҳрир қилиш каби касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари ва методлари мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус таълимда ўз мутахассислигига тааллуқли фанларни ўқитиш;
- тил ўқитиш марказларида, илмий ва технологик масалалар билан шуғулланадиган муассасаларда;

- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими тизими ташкилотларида бошқарув жараёнлари;
- экспертиза-таҳлил марказлари;
- таҳририят ва нашриётларда матнларни таҳрир қилиш жараёнлари;
- консалтинг ва маркетинг ташкилотларида фаолият юритиш.

1.2.3. 70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- таржима ва таҳрир фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- консалтинг хизмати фаолияти.

1.2.4. 70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий тадқиқот фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, назарий ва амалий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- тадқиқот сифатини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш, янги ахборотни ўрганган ахбороти билан солиштира олиш;
- ўз тадқиқотининг натижаларини аниқ ва раво баён эта олиш, уларни прагматик амалиётда қўллаш олиш.

Педагогик фаолиятида:

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини ўзлаштириш;
- электрон ва дистанцион ўқитиш методларини эгаллаш;
- олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли методлар ва усуллар, воситаларни эгаллаган ҳолда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, малака талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, моделлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;
- турли соҳалардаги ахборот коммуникатив фаолиятда билим ва малакаларни тизимлаштириш, интеграциялаштириш кўникмаларига эга бўлиш, улардан лингвистика, лингводидактика фанлари соҳасидаги муаммоларни ечишда самарали фойдаланиш;
- миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган илмий, таълимга оид, ижодий, реклама лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Таржима ва таҳрир фаолиятида:

- хорижий тилдаги турли типдаги матнларни таржима ва таҳрир қила олиш;
- маданиятлараро мулоқотнинг турли жабҳаларида муайян таржима шакллари, стратегияларини ва усуллари кўллаб таржима қилиш;
- лисоний, лингвомаданий адекватликни ва коммуникатив мақсадни инобатга олган ҳолда матнни таржима қилиш.
- анжуман ва семинарлардаги илмий материалларни таҳрир ёки таржима қилиш;
- реклама ташкилотларида реклама матнларини яратиш ва таржима қилиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- таълим жараёнини бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш;
- касбий соҳада ижтимоий ва иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда иқтисодий самарадорликни баҳолаш ва ҳисоблаш усуллари, таълим менежментини эгаллаш;
- ўзининг касбий фаолиятига оид меҳнат бозори ва иш билан таъминланиш бўйича маълумотга эга бўлиш;
- меҳнат жамоасининг умумий мақсадларига эришиш, ижрочиларнинг фаолиятини мониторинг қилиш мақсадида индивидуал ва гуруҳ фаолиятини вужудга келтириш;
- аудитория ва педагогик жамоани бошқариш ҳамда ўқув жараёнини ўрнатилган тартибда ташкил қилиш;
- жамоа психологиясига оид тизимли билимларни, ташкилий ишларда менежмент асосларини кўллашни билиш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши;
- эксперт-таҳлилий ишларни амалга ошириш мақсадида, индуктив ва дедуктив кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва статистик таҳлил қилиш.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- чет тилларини ўрганиш ва ўқитиш соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик обзорини ишлаб чиқиш;
- хорижий манбаларни филологик жиҳатдан тадқиқ этиш бўйича экспертиза гуруҳларида иштирок этиш;
- ихтисосликка мос мавзулар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

2. 70230101 - Лингвистика (роман-герман тиллари) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, тилшунослик фанлари методологияси, тилшунослик муаммолари ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ахборот-кидирув, эксперт ва автоматлашган тизимларни ишлатиш, турли соҳаларда автоматлашган тизимларнинг лингвистик таъминотини ишлаб чиқиш, замонавий усулларни қўллаш;
- хорижий тилда касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларини танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосланган мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- хорижий тилни ўқитишда турли ёндашув, йўналиш ва технологияларни ривожлантириш орқали янги моделларни ишлаб чиқиш;
- турли маданият ва жамият вакиллари орасида тахминий мулоқот вазиятларини моделлаштиришни билиши;
- хорижий тилни шахслараро, маданиятлараро, касбий мулоқот воситаси сифатида мукамал эгаллаши;
- касбий соҳанинг барча турларида чет тили коммуникатив компетенциясига (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, ижтимоий-маданий, ўқув-когнитив) эга бўлиши.

Магистрантлар чет тили коммуникатив компетенциясининг қуйидаги таркибий қисмларини ўзлаштиришлари лозим:

Нутқий компетенция:

Тинглаб тушуниш:

- муҳокама ва дебатлардаги асосий ва бошқа иштирокчилар ўртасидаги мураккаб мавзудаги мулоқот мазмунини тушуниш;
 - кенг қамровли, айрим ностандарт лисоний воситалар ишлатилиш ҳолларини ҳам ўз ичига олган аудио тасма ва ахборот материалларини тушуна олиш;
- муҳокамада имплицит, яъни яширин, маъно ва мазмунни аниқлай олиш ва тушуниш;

Гапириш:

Диалог

- илмий ва соҳага оид конференция, давра суҳбатлари, мунозара (жонли ёки воситали) ларда мулоқотни бошлаш, олиб бориш ва яқунлай билиш;
- фикрларни аниқ ифодалаган ҳолда муҳокамаларда фаол қатнаша олиш;
- вазиятга мос тарзда тилни мослаштири олиш;
- ўз расмий нуқтаи назарини ишонч билан илгари сурган ҳолда қарши томоннинг бир қатор мураккаб савол ва шарҳларига мос равишда раво ва спонтан тарзда жавоб бера олиш;
- семинар ва муҳокамаларда сўраш, ойдинлик киритиш, нутқни бўлиш ва тўлдириш стратегияларини мос равишда қўллаш олиш.

Монолог

- соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш;
- объект, субъект, вазият ва ҳодисаларни батафсил тасвирлай олиш;
- маъруза, муҳокама ёки мақолага тўғри ва раво тарзда хулоса қила олиш;

- илмий нуктаи назар ёки фикрни ривожлантириш, далиллар келтириш орқали асослай олиш

Ўқиш

- мутахассисликка оид ёки оид бўлмаган мураккаб матнлардаги услубий жиҳатлар баён этилган яширин фикрларни тушуна олиш;
- кичик деталларнинг муҳим жиҳатларини ҳам аниқлай олиш;
- мутахассисликка оид вебсайт ёки журналлардан тегишли тафсилотларни ола билиш.

Ёзув

- барча турдаги хатларни ёза билиш;
- барча турдаги иншооларни ёза олиш;
- танлаган мавзулари бўйича магистрлик илмий ишини ёза олиш;
- соҳага оид мақолалар ёза билиш;
- соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш;
- соҳага оид ва оид бўлмаган адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш;
- турли илмий материалларга хулоса ёза олиш;
- тезис ва конференцияда қатнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш;
- грант ва стипендиялар учун таклиф ва аризалар ёза олиш.

Лисоний компетенция

Лексик компетенция

Мавзуларга умумистеъмол лексикани ва соҳавий терминларни нутқда қўллаш; мавзуларга оид лексикани ва соҳага оид атамаларни илмий даражада ривожлантира олиш; сўз ясаш моделлари асосида сўзлар ҳосил қила олиш;

Грамматик компетенция

Ихтисосликка (масалан, педагогика, методика ёки тилшуносликка) оид матнларда грамматик структураларни қўллаш; ихтисослашган матнлардаги (масалан, тилшунослик ёки таржимага оид) грамматик структураларни қўллай билиш; артикл ва предлогларини илмий услубда тўғри қўллай билиши;

Дискурсив компетенция

Оғзаки ва ёзма дискурсинг асосий турлари (илмий, публицистик, бадий, газета, хат, ҳужжат) ва уларнинг хусусиятлари, матн яхлитлиги ва боғлиқлигини яратувчи лисоний воситаларни ва уларни қўллашни билиши; оғзаки ва ёзма дискурс яратишда ва тушунишда лингвистик ва экстралингвистик омилларни билиши ва уларни инобатга олиши; турли матнларнинг лингвистик ва дискурсив таҳлилин қила олиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, кредит-модуль, магистратура мутахассислиги, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва ўқув дастури, профиль, нутқий компетенция, грамматик, лексик ва дискурсив компетенция, таржима ва таҳрир, консалтинг хизмати, таълим технологиялари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, таълим соҳаси, мустақил таълим, давлат аттестацияси, педагогик жамоа, лингвимаданий адекватлик, лингвистик, ижтимоий-лингвистик, ижтимоий-маданий, ўқув-когнитив компетенциялар, лисоний восита, хорижий тилни ўқитиш, мулоқотни моделлаштириш, экстралингвистик омил, грамматик структура, соҳавий термин.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ректор _____ У. Азизов

2021 йил “ _____ ” _____



КЕЛИШИЛДИ:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази**

**Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон миллий университети**

Директор _____ М.Эсонов

2021 йил “ _____ ” _____

M.Ў.



Ректор _____ И. Мажидов

2021 йил “ _____ ” _____

M.Ў.



**Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети**

**“Ўзбекистонда хорижий тиллар”
электрон илмий-методик журнали ва
Интернет портали**

Ректор _____ Ш.Сирожиiddинов

2021 йил “ _____ ” _____

M.Ў.



Бош муҳаррир _____ Г.Шукурова

2021 йил “ _____ ” _____

M.Ў.

